O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 7 сентябрь, № 176 (4075) Пайшанба

Мустақиллик иншоотлари

Сирдарё туманининг С.Раҳимов номли маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган корхоналар қаторига янги саноат объекти — «REKA – MED FARM» қўшма корхонаси ҳам қўшилди. «С.Раҳимов» ва «Мафтун гўзали» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда Россиянинг «ВИПС-МЕД» фирмаси ва «SKYLINE INDUTRIES LLP» Британия компанияси бу қўшма корхонанинг ҳаммуассисларидир.



ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ушбу корхона жамоаси нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида инфузион суюқликларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлади. Корхона медицина суюқликлари — инфузион эритмаларини тайёрлаб, соатига 1200 дона флакон ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Келгуси йилдан биз инфузион суюқликни 20 миллион флаконда чиқара оламиз, — дейди корхона директори Беҳзод Ёриев. — Маҳсулотларни сотиш бўйича муаммолар бўлмайди. Бизда ҳозирданоқ ўзимизнинг соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва дорихоналаримиздан ташқари Россия, Қирғизистон ва Тожикистон истеъмолчиларининг буюртма пакетлари ҳам мавжуд.

СУРАТЛАРДА: янги қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.

Р. ЖЕПАРОВ олган суратлар.

2006 йил 8 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида Марказий Осиёни Ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтади.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илк бор БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан илгари сурилган эди.

1997 йил 15 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши бу йўлдаги илк амалий иш бўлди. Унинг натижаларига кўра Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани тайёрлашнинг шакл ва қисмларини кўриб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Экспертлар гуруҳи ташкил этилди.

Ҳужжатнинг айрим банд ва қоидалари борасида келишувга эришиш масалалари бирмунча вақт талаб қилди. Женева, Тошкент, Саппоро, Ашгабад ва Самарқанд шаҳарларида шартнома матнини ишлаб чиқишга бағишланган амалий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ташаббусини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш юзасидан ўтказилган музокараларда БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертлари фаол иштирок этди.

Шартнома матни қоидалари борасида келишувга эришиш мақсадида «ядровий бешлик» (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) экспертлари билан маслаҳатлашув учрашувлари ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича ҳужжат лойиҳасига муайян тузатиш ва таклифлар киритилди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши минтақа давлатларининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани амалга оширишга, қуролсизланиш ва тарқатмасликнинг глобал жараёнига қўшадиган муҳим ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббусининг ҳаётга татбиқ этилиши минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини яратиш борасидаги илк амалий қадам бўлиб қолади.

«Жаҳон» АА.

Мангу хотира

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз турли миллат фарзандларини бағрига олиб, ўз боласидай қалб кўрини берган эди. Бу ҳақиқатни ўша болалар — бугун анчагина ёшни қоралаб қўйган инсонларнинг ўзлари ҳам тасдиқлайди. Юртимизда ўсиб-улғайган таниқли бастакор, истеъдодли болалар 20-Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси Станислав Мансуров ҳам миннатдорлик рамзи сифатида хайрли ишга қўл урди. Унинг ташаббуси билан уруш даврида ўзбек халқининг кўрсатган жонбозлигини хотирлаш ва уни асраб-авайлаш мақсадида "Хотира хиёбони" Республика жамғармаси ташкил топди.

Жамғарма "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси кўмагида ташкил этилган бўлиб, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар, қария ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш унинг асосий мақсадидир.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Битта гап

Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ,
Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Мустақиллик байрамларингизни завқ билан томоша қилдим. Қойил! Мен халқнинг юз-кўзидаги мамнуният ифодасига маҳлиё бўлдим. Бундай самимийликни ҳеч бир буйруқ, топшириқ билан яратиб бўлмайди.

Партия фракцияларида

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик, Халқ демократик партиялари фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган бир қатор қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

Йиғилишларда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари ижросига оид масала муҳокама қилинди. Депутатлар 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетининг даромадлари унинг харажатларидан 88,8 млрд. сўм миқдорида ортиқ бўлишлигини таъкидлаб ўтдилар. ХДП фракцияси аъзолари эса муҳокама давомида партиянинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, бюджет маблағларининг биринчи навбатдаги харажатлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза қилишга йўналтирилиши лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Адолат" СДП ҳамда ЎзЛиДеП фракциялари йиғилишларида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, ХДП фракцияси йиғилишида эса "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Бундан ташқари, фракцияларда Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида биринчи ўқишда киритилаётган "Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида йоднинг инсон саломатлиги учун зарур микроэлемент эканлиги, унинг энг кам миқдорда етишмаслиги аҳолининг иш қобилияти ва интеллектуал қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда бўқоқ касалликларининг олдини олиш ва йод етишмаслик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Зиёда АШУРОВА.

Эртагача кута олмаймиз

Бугун ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми, яъни икки миллиард нафардан ортиқроғи анемия (камқонлик) касаллигидан азоб чекмоқда. Шу дард туфайли ҳар йили 50 минг аёл ҳомиладорлик даврида вафот этмоқда. Ҳар куни 500 нафар гўдак турли нуқсонлар билан дунёга келаяпти. Икки ёшга тўлмаган болалар камқонлик билан оғриса, унинг ақлий қобилияти тўла ривожланмайди, кейин бу болани мутлақо даволаб бўлмайди. Анемияни даволаш учун мамлакатлар хазинаси ҳар йили юз миллиардлаб доллар зарар кўраяпти.

Бу рақамлар кеча Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўздонмаҳсулот» АК кўмагида БМТнинг Болалар фонди — ЮНИСЕФ ваколатхонаси ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида ташкил этилган икки кунлик семинарнинг очилиш маросимида тилга олинди. Унда республика, вилоят ва туман оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссайни ва бошқалар анемия, уни даволаш масаласи бугун дунёдаги глобал муаммолардан бирига айлангани ҳақида гапирдилар. Бу дардни даволашни бугун бошлаш кераклигини, эртага кеч бўлишини таъкидлашди.

Семинар

Дардни енгиш мумкин

Маърузачиларнинг таъкидлашича, анемиянинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун унни темир ва бошқа фойдали моддалар билан бойитиш лозим. Айрим ривожланган давлатларда бу дастур 1938 йилдан буён амалга ошириб келинаяпти. Натижада ҳозир ушбу мамлакатларда анемия билан оғриган беморлар сони 4-5 фоизни ташкил этмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам камқонликнинг олдини олиш борасида кўп ишлар қилинди. Унни бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди. Президентимиз ушбу дастур лайиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди. Ҳозир «Ўздонмаҳсулот» АКга қарашли кўплаб комбинатларда, ҳатто хусусий тегирмонларда ҳам бойитилган ун ишлаб чиқарилмоқда.

Муаммони фақат бойитилган ун ишлаб чиқариш билан ҳал этиб бўлмайди. Аввало, одамларда овқатланиш маданиятини юксалтириш лозим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, чой, кофе каби ичимликларда танин моддаси бўлиб, у темирнинг қонга сингишига халақит беради. Бу ичимликларни овқат тановул қилиб бўлгандан сўнг бир-икки соат ўтгач ичиш лозим.

Семинар қатнашчилари «Ғалла-Алтег» ун комбинатида, Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида бўлиб, бу ерларда амалга оширилаётган ишлар билан танишишди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик ва порлоқ келажак тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида янгиланган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари доирасида мустаҳкамлаш учун янги-янги имкониятлар вужудга келишига ишонаман.

Жоржо НАПОЛИТАНО,
Италия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ғоят самимий ва қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган бугунги юксак даражадаги икки томонлама муносабатлар турли соҳаларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Ишончим комилки, Қирғизистон-Ўзбекистон яхши қўшничилик муносабатлари халкларимиз равнақи йўлида жадал ва самарали ривожланиб бораверади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омонлик, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Энг эзгу истаклар ила,

Курманбек БАКИЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — давлат мустақиллиги куни муносабати билан самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сизга ва мамлакатингизга шахсан ўз номимдан ва грузин халқи номидан бутун ўзбек халқининг фаровонлиги йўлида янгидан-янги муваффақиятлар ва янада равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Эзгу истаклар ила,

Михаил СААКАШВИЛИ,
Грузия Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллаб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Пумипон АДУЛЬЯДЕТ,
Таиланд Қироли.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий куни нишонланиши муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати ва халқи номидан Сизга самимий табриклар йўллашдан ғоят бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилаклар ва самимий қутловлар йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз,

Икки муқаддас масжид ходими
Саудия Арабистони Подшоҳи,
Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига эзгу тилаклар ва самимий қутловлар йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса муттасил тараққиёт тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз,

Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари
Мудофаа ва авиация вазири, Бош Назоратчи,
Султон бин Абдулазиз Ол САУД.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сингапур ҳукумати ва халқи номидан Сиз Жаноби Олийларига ҳамда биродар Ўзбекистон халқига мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрик ва тилакларимни йўллаш шарафидан мамнунман.

Мамлакатингиз ва халқингизга тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

С.Р.НАТАН,
Сингапур Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

2006 йил 16 августда Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммити давомида ўртамизда ўтган ошкора ва ҳамжиҳатлик руҳидаги илиқ учрашув учун Сизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Ишончим комилки, Украина ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида, шу жумладан бизнинг ўртамизда эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш соҳасидаги ҳар томонлама ўзаро саъй-ҳаракатлар янада тез суръатларда ривожланиб, амалга ошириб борилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан муборакбод этаман.

Президент Жаноблари, Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига фаровонлик ва тараққиёт, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда, ижтимоий дастурларни амалга оширишда барқарорлик ва ривожланиш гарови бўлмиш демократик институтларни ҳар томонлама мустаҳкамлашда улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Виктор ЯНУКОВИЧ,
Украина Бош вазири.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва биродар халқига Бангладеш халқи ва ҳукумати номидан ҳамда ўз номимдан самимий қутловларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам чуқурлашиб ва ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Холида ЗИЁ,
Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўзимнинг номимдан Сиз Жаноби Олийларини самимий муборакбод этаман.

Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига изчил тараққиёт тилайман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими.

Бутловчи қисмлар — ўзимиздан

Андижон вилоятидаги «Подшипник» ҳиссадорлик жамиятининг жамоаси Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрамига ажойиб совға тайёрлади: бу ерда Асакадаги «ЎзДЭУавто» автомобиллари — «Дамас» ва «Матиз» машиналари учун 16 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу ҳиссадорлик жамиятида «Нексия» автомобили учун механик ва электр қуввати билан ишлайдиган ойна кўтаргич механизмлари ҳамда 13 турдаги подшипниклар ҳам тайёрланмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор синовчи-йиғувчиси Жасур Қурбонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Таҳдидлардан огоҳ бўлайлик

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида "Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз" деган сўзлар бор. Бу таъкид нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги барча давлатлар учун бирдек долзарб. Зеро, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия, ахборот хуружлари каби трансмиллий таҳдидлар тобора кескинлашиб бораётган бугунги шароитда, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи минтақа давлатлари олдида турган ҳаётий заруратдир.

ҲАМЖИҲАТЛИК — ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Охирги йилларда "диний хавфсизлик" ёки "жамиятнинг диний хавфсизлиги" деган янги илмий-сиёсий тушунча шаклланмоқда. Бу ибора орқали муайян мамлакат ва жамиятдаги диний вазият эволюциясининг табиийлигини таъминлаш назарда тутилади. Бугунги вазият эса шундан далолат бермоқдаки, Марказий Осиё ҳудудидаги диний хавфсизликни таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш мазкур соҳадаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш билан боғлиқдир. Бунда "терроризм", "экстремизм", "диний экстремизм", "сепаратизм", "информацион хавфсизлик" каби тушунчалар ҳақидаги муштарак нормалар ва ягона ҳуқуқий меъёрларни яратиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бусиз "ҳизбу-т-таҳрир ал-исломий" ("Озодлик ислом партияси") ва бошқа экстремистик диний ташкилотларга қарши курашда ҳал қилувчи натижаларга эришиш қийин.

Минтақамиздаги диний вазиятга таъсир кўрсатаётган яна бир омил мавжудки, бу миссионерлик ва у билан уйғунлашиб кетаётган прозелитизмдир. Тўғри, Ғарб ва Узоқ Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида миссионерлик таъқиқланмаган. Шунинг учун ҳам уларда муайян динга эътиқод қилиб келган ёки умуман динсиз бўлган одамнинг бошқа динга ўтиши ёки бирон динга киришига жамоатчилик унчалик эътибор бермайди. Шундан келиб чиқиб, виждон эркинлиги ва диний эътиқод масалалари билан шуғулланувчи айрим хорижий ташкилотлар миссионерликка нисбатан Марказий Осиё давлатларидаги сиёсатни танқид қилмоқдалар. Умуммиллий хавфсизликни таъминлашнинг объектив талаблари тақозо этаётган бу соҳадаги айрим мувақкат чекловлар улар томонидан виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳоланмоқда. Лекин улар исломий шиорларни ниқоб қилиб олган, нафақат миллий, балки минтақавий хавфсизликка таҳдид солиб турган радикал диний оқимлар учун бу қандай дастак бўлиши мумкинлигини мутлақо ҳисобга олмаётирлар.

Ана шундай вазиятда демократияни тўғри тушуниш ва тўғри талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки демократлаштириш – дунё тараққиёти тақозоси. Инсоният ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократия деб аталувчи шаклидан афзалроқ йўлни ҳали кашф этолганича йўқ. Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, демократия муайян қадриятларнинг йиғиндисидан иборат жараён. Англиялик машҳур олима Ширин Акинер ибораси билан айтганда, "демократия – фақат жараён, идеал эмас". Демак, демократик деб эътироф этилган тамойиллар муайян халқ ва жамият томонидан асрлар оша эъзозланиб келинган қадриятлар тизими билан ҳамоҳанглик касб этганда, бошқача айтганда, улар кириб келаётган мамлакатда оммавий қўллаб-қувватланган тақдирдагина муваффақиятли амал қилиши мумкин. Агар бу каби оммавийликни касб этолмаса, бундай қадрият ва тамойилларни жорий этишга қаратилган ҳар қандай уриниш бесамардир.

Шу маънода, бугун мазкур соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз билангина чекланиб қолмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўзимизнинг исботи сифатида яқинда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги мамлакатимиз Президентининг Қароридаги айрим ўринларга эътиборни қаратиш ўринлидир. Ушбу ҳужжатдаги ҳозирги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий нуқтаи назардан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружлар моҳиятини очиб бериш, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларини асраб-авайлаш, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонларни тарбиялаш каби вазифалар Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири учун муҳимдир. Зеро, кундан кунга хатарлироқ тус олаётган турли-туман фикрий тазйиқларга қарши туришга қодир мафкуравий ва маънавий иммунитетни тарбиялаш вазифаси минтақа халқларининг барчаси учун ё ҳаёт, ё мамот масаласига айланмоқда деган ҳақиқатга бугун ҳеч ким эътироз билдира олмаса керак. Миллатнинг ҳаёти фақат моддийликдан иборат эмас экан, миллий-маънавий ўзлигини йўқотган элни миллат сифатида эътироф этиш ҳам асло мумкин эмас.

Яна бир муҳим масала информацион технологияларнинг мисли кўрилмаган тараққиёти ва минтақавий хавфсизликни асраб-авайлаш вазифаси ўртасидаги боғлиқликдир. Нисбатан яқин ўтмишда фақат давлатлар монополияси доирасида фаолият кўрсатган информацион технологиялар бугун наинки ноҳукумат нотижорат ташкилотлар балки алоҳида фуқароларнинг тасарруфига ўтиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, ахборот узатишнинг *онлайн* электрон тизимлари жамоатчилик фикрини, содда қилиб айтганда, оддий одамларнинг у ёки бу масалага муносабатини шакллантиришнинг асосий механизмига айланиб бормоқда. Ахборот узатишнинг бундай воситалари, хусусан, уларнинг расман "эгасиз" ҳисобланаётганлиги, дунё бўйлаб содир бўлаётган воқеалардан аҳолини хабардор этишда расмий ҳукуматлардан аллақачон ўзиб кетгани ҳам айни ҳақиқат. Бунинг сабаби жуда оддий. Ривожланган ахборот технологияларининг чексиз имкониятларидан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. Бундай имкониятлар муайян кучларнинг ғаразли интилишлари йўлида суиистеъмол қилинаётгани эса ачинарлидир. Аслида муайян жамиятлар ва мамлакатларга қарши эълон қилинган уруш деб номланишга муносиб информацион хуружларнинг натижаси, мисол учун, бутун-бутун халқлар ва мамлакатлар ҳаётини остин-устун қилиб юборган турли-туман "рангли" инқилобларда ўзини намоён этди.

Хўш, ана шундай мураккаб шароитларда қандай йўл тутмоқ лозим, деган савол туғилади. Биринчи навбатда, фақат минтақа давлатлари орасидаги келишув йўли билан эришиш мумкин бўлган информацион хавфсизликни таъминлашнинг амалий чоралари ҳақида жиддий ўйлаш талаб этилмоқда. Албатта, бугун ҳеч қандай мамлакат барча информацион "дарчалар"ни тақа-тақ қулфлаб қўёлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун "...фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин". Бу хулосанинг туб моҳиятини идрок этиш учун яқин ўтмиш — шўро давридаги информацион сиёсатни эслашнинг ўзи кифоя. Ахборот узатишнинг замонавий электрон воситалари ойлаб, ҳатто йиллаб қилинган изланишлар самарасини инсонга бир кун ва ҳатто соатлар мобайнида етказиб беришга қодир. Қолаверса, Марказий Осиё хавфсизлигини сақлаб қолишга хизмат қиладиган ягона минтақавий информацион муҳитни шакллантириш зарур ва бу муҳим аҳамиятга эга. Бундай муҳит эса муайян минтақада яшовчи халқларни бирлаштириб турадиган муштарак қадриятлар тизими мавжуд бўлгандагина яратилиши мумкин. Унинг техник параметрлари қаторига информацион фаолиятни ўзаро уйғунлаштириш, турли-туман ахборот хуружларига қарши тура оладиган, бир-бирини тўлдириб, таъсирчан ягона информацион омилни шакллантирувчи тизимни яратиш, унинг замон талаблари ва янги-янги таҳдидларга мутаносиб равишда мунтазам такомиллаштириб бориш вазифаларини киритиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, минтақамизнинг тинч ва осойишта келажагини кафолатлайдиган муҳим вазифани мустаҳкам ҳуқуқий заминсиз уддалашнинг имкони йўқ. Юртбошимизнинг сўнгги пайтда хориж давлатларидаги расмий сафарлари ҳамда тегишли мамлакатлар раҳбарлари билан ўтказган самарали мулоқотлари айни шундай заминнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Қолаверса, Истиқлол йилларидаги Ўзбекистон тараққиёти, хусусан, мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида эришилган улуғвор ютуқлар ушбу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаганига бутун дунё гувоҳ.

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ҳуррият» 6 сентябрь.
Илҳом Назаров « Анъанага кўра...»:

«Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлимида кўп ва хўп хайрли ишлар қилинаётганидан ҳамкасбларим хабардор бўлсалар керак деб ўйлайман. Ижодий уюшма вилоят журналистлари бошини қовуштира олганида, уларга илҳом бахш этиб рағбатлантираётганида ва кучли ижтимоий ҳимояни йўлга қўйганида, албатта, унинг раҳбари таниқли журналист Муҳаммаджон Обидовнинг ташкилотчилигини қайд этмай бўлмайди».

«Туркистон» 6 сентябрь.
Шаҳзода: «Бизнинг ёшлар ўзгача»:

«Шахсан ўзим ижод қилиб, қисқа фаолиятимда ёшларга қаратилаётган эътибор муҳим ва устувор эканлигини ҳис этдим. Яқинда Президентимиз ташаббуслари билан бир гуруҳ юртдошларимиз Давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Улар қаторида менинг номим ҳам борлигини ўқиб, кўзимдан севинч ёшлари сизди».

«Миллий тикланиш» 6 сентябрь.
Бўстон Раҳмонова «Миллийлик фақат кийинишдами?»:

«Ҳусн, табиат берган чирой қават-қават кийимлар ичида ҳам кўриниб туради.Уни яшириб бўлмайди. Кумуш очиқсочиқ юрмаса-да, бутун Марғилон аҳли унинг гўзаллигини билган. Айтадилар-ку, олтин ҳеч жойда қийматини йўқотмайди, деб. Шу ўринда демоқчи бўлганим, ҳурматли ота-оналаримиз, ўқитувчи ва тарбиячиларимиз ёшларнинг кийиниши учун ўзини ҳеч масъул сезишганми? Нахотки, қуюшқондан чиқиб кийинган ёшларга ўзликни унутмасликни тушунтириш, кези келганда танбеҳ бериб қўйишнинг иложи бўлмаса?»

«Маҳалла» 6 сентябрь.
Фаррух Бўтаев «Китоб ёзиш кўнгил ишими?»:

«Китобни варақладим. Замондошимиз боғча, мактаб, олийгоҳда кечган ҳаёти ҳақида, аждодлари, оиласи, устозлари ҳамда илмий фаолияти тўғрисида батафсил ёзибди. Ҳатто китобдан қаҳрамонимизнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ўнлаб суратлар ҳам жой олган. Бу суратлар орқали китоб муаллифининг ёшлигидан бугунигача бўлган қиёфаси, ҳатто ота-онаси, хотини, фарзандлари, келинлари, қариндошлари, қудалари, оғайнилари билан танишамиз... Уларни чоп этишга рухсат берган муассасалар бор. Бундай яроқсиз китобларга сўзбоши, тақриз ёзаётган айрим таниқли зиёлилар, ижодкору олимларнинг савиясини қандай баҳоламоқ керак?!»

Журналист суриштируви

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мулкдорлар ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланмоқда. Лекин ишбилармон акциядорларнинг баъзилари қош қўяман деб, кўз чиқараётган мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли панд еб қолмоқдалар. Урганчлик Озод Абидов ҳам шундай кишилар жумласидандир. Мана, бир йилдан ошибдики, у туҳмат балосидан қутулолмай ҳалак.

ҚАЙДАН ҚУЛОҚ ЧИҚАРМОҚ

Ҳамма гап 2005 йил 21 май кунидан бошланди. Шу куни "Урганч туман МТП" очиқ акциядорлик жамиятининг 2004 йилда тасдиқланган бизнес-режаси бажарилмагани, шартнома шартлари қўпол равишда бузилгани учун кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органи раҳбари А. Ҳакимовни вазифасидан бўшатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Эрталаб йиғилишдан олдин А.Ҳакимов Озод Абидовдан ўзини ишда қолдиришни талаб қилди. Акс ҳолда яқин кишиси — туман прокурори орқали акциялар бўйича унга нисбатан жиноят иши қўзғаттиришини айтиб, таҳдид қилди. Озод ака фикридан қайтмади ва унга акцияларни «Тошкент» фонд биржасидан қонуний равишда сотиб олганини тушунтирди. Дарвоқе, собиқ "Ўзсельхозтехника"нинг Урганч туман бўлими 1994 йили "Урганч туман МТП" очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилгач, шу ерда 8 йил мобайнида турли лавозимларда ишлаган Озод Абидов дастлаб унинг 53 дона акциясини сотиб олди. 2002 йилда эса жамиятнинг давлат активи бўлган, устав фондининг 20,96 фоизини ташкил этувчи «Тошкент» фонд биржасининг эркин савдосига чиқарилган 1352 дона акциясини, 3 та ширкат ва 1 та фермер хўжалиги орқали биржага чиқарилган 474 дона акциянинг ҳар бирини 3000 сўмга харид қилди. Шунга кўра, йирик пакет эгаси сифатида акциядорлар томонидан кузатув кенгаши раислигига сайланди. Айни чоғда, 8 та ширкат хўжалиги билан жамиятнинг улар ихтиёридаги акцияларини сотиш бўйича музокаралар олиб борди. 2003 йилнинг июнида 3 та ширкат хўжалиги 425 дона акциянинг ҳар бирини 3000 сўмдан сотиш бўйича брокер билан шартнома тузиб, «Тошкент» фонд биржасига сотувга чиқарди. Озод Абидов брокер ёллаб, ушбу акцияларни 2003 йил 16 октябрида биржадан таклиф баҳосида — 3000 сўмданга олди.

2003 йил октябрь-ноябрь ойларида эса яна 5 та ширкат хўжалиги 860 дона акциянинг ҳар бирини энг ками — 3000 сўмдан сотиш тўғрисида брокер билан шартнома тузиб, «Тошкент» фонд биржасига сотувга чиқарди. Улардан 550 донасига 2003 йил 23 декабрда Озод Абидов, 310 тасига О. Бекберганов эга чиқди. 2003 йил октябрь-декабрь ойларида О. Абидов бир неча фуқарога баъзи акцияларни келишув асосида 3000-4000 сўмдан ҳисоб-китоб қилиб, туғилган куни муносабати билан совға қилиш учун 2004 йил бошида нотариус орқали О.Бекбергановнинг номига расмийлаштириб беришларини сўради. Бу иш амалга ошгач, Озод Абидов жамиятнинг 43,56 фоиз, О.Бекберганов 6,8 фоиз акцияларига эга бўлиб, кузатув кенгаши аъзолигига сайландилар.

Қарангки, А. Ҳакимов ҳам сўзида турадиган "данғалчи"лардан экан. 21 май куни унинг аризасига биноан О. Абидовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ижроия органи аъзолари прокурор қарорини кўрсатиб, йиғилишга келган акциядорларни тарқатиб юбордилар. Бу ҳолат 28 май ва 7 июнда ҳам такрорланди. 2005 йил 25 июнда ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишида эса бизнес-режани ўзбошимчалик билан ўзгартиргани, ваколати бўлмаган ҳолда уни тасдиқлагани, дивидендлар тўланмагани, фойда олиш 35 фоизга, жамият мулки қиймати бир йилда 128,4 млн. сўмга, соф активлари 5,5 млн. сўмга камайиб кетгани сабабли А.Ҳакимовнинг ҳисоботи қониқарсиз деб топилиб, 2005 йилга мўлжалланган бизнес-режа тасдиқланмади.

23 августда эса ҳаракатларида жиноят аломати йўқлиги сабабли Озод Абидовга нисбатан қўзғатилган иш ёпилди. Аммо туман прокурори бу ҳақдаги қарорни бекор қилди. Қўшимча тергов якунида ҳам иш қайтадан тугатилди. Бу қарор ҳам прокурор томонидан бекор қилинди. 2006 йил 11 январда ишдаги далиллар тескарисига талқин этилиб, Озод Абидовга Жиноят кодексининг 168- ва 205-моддалари билан айблов эълон қилинди.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"ги қарорининг 13 бандида **"...Ўзганинг мулкини текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатларини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди"** деб кўрсатилган. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасида жамият акцияларига ҳақ тўлаш бозор қийматида амалга оширилиши, акцияларни номинал қийматида сотиш фақатгина жамиятни таъсис қилиш пайтидагина амалга оширилиши, 44-моддасида эса жамият акцияларни бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олиши белгиланган. Озод Абидовдаги акциялар эса иккиламчи фонд бозори орқали талаб ва таклифдан келиб чиқиб сотиб олинганди. Шунга қарамай, Жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. ЖКнинг 72-моддасига асосан бу жазони шартлига ўзгартириб, 2 йил синов муддати белгилади.

Ажабо, қимматли қоғозлар бўйича хулосаларда биржа акцияларни сотиш ёки акцияларни сотиб олиш тартиби бузилган, деб кўрсатилмаган бўлса, суд нимага асосланиб акцияларни ноқонуний деб топди? Энди масалага ойдинлик киритсак.

Ҳукмда "Урганч МТП" ОАЖнинг кузатув кенгаши 2003 йил 12 август куни ўтказган йиғилишида акция номинали 1000 сўмдан 11124 сўмга оширилган», деб кўрсатилган. Тўғри, кенгаш масалани кўриб чиққан, аммо акция номиналини тасдиқламаган. Чунки бу иш кенгашнинг фақат битта баённомаси билан амалга оширилмайди. Суд раиси С.Маматова эса иш ҳужжатларига холис баҳо бермаган. Бильакс, «Жамият эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказишни атайлаб чўзган» деган айб қўйган. Бироқ жамият вилоят МТП бирлашмаси корхоналари ичида биринчи бўлиб — 2004 йил 19 январда давлат рўйхатидан ўтгани, бошқа МТПлар Озод Абидовнинг тавсияларидан фойдаланиб, 2004 йил май ойигача давлат рўйхатидан ўтганликлари бу фикр нотўғрилигини исботлайди. Аслида эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш кузатув кенгаши томонидан ижроия органига топширилганди.

Умуман олганда, ушбу акция номиналининг оширилиши, рўйхатдан ўтказиш жараёнлари акциянинг иккиламчи бозордаги баҳосига таъсир қилмайди. Ҳатто 2006 йил давомида ҳам РФБ иккиламчи биржа савдоларида биронта МТПнинг акциялари 2850 сўмдан қимматга сотилмагани Озод Абидовга қўйилган айблар уйдирма эканлигидан, далиллар сохталаштирилганидан далолат беради. Қолаверса, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2005 йил 11 июль, 17 октябрь ва 25 ноябрь кунилари берган хулосаларида Озод Абидов акцияларни қонуний сотиб олгани қайд қилинган. Шунга қарамай, айблов хулосасида ҳам, ҳукм ва ажримда ҳам **"О.Абидовнинг айби қимматли қоғозлар маркази мутахассислари хулосалари билан тасдиқланади"**, дейилган.

Қувонч

Элликқалъа туманининг Сарибий қишлоғида 103 ёшли ажойиб инсон яшайди. У аввал эски, кейин янги мактабда, институтда таълим олган. 80 йиллик ўқитувчилик даврининг 41 йилида мактаб директори лавозимида ишлаган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Ҳозир ҳам қишлоғидаги 25-мактабга бориб дарс ўтиб туради. 3 фарзанди бор. Ўғли Боғирбек — фан номзоди. 140 невара, эвара, чеваранинг бобоси.

МЎЪТАБАР ИНСОН ДУОСИ

Президентимиз Истиқлолнинг 15 йиллиги муносабати билан фан, таълим ҳамда ижтимоий соҳада кўп йиллар давомида юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан ибрат бўлиб келаётган юз ёшдан ошган нуронийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекдилар. 103 ёшлик муаллим Отажон Каримов ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Байрам кунлари табаррук отахоннинг хонадонига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари М. Ерниязов ташриф буюриб, Юртбошимиз номидан давлат мукофотини, совғаларни топширди. Халқ таълими фахрийсига соғин сигир бузоғи билан ҳадя қилинди.

— Мустақиллигимиз меъмори ҳисобланган Президентимизнинг бу эътиборидан бошим кўкка етди, — деди отахон қўлларини дуога очиб. — Мен бир неча тузумни бошдан кечирдим. Ҳеч қачон халқимиз бугунги кундагидек эркин нафас олган эмас. Ҳар қадамда истиқлол берган меваларидан баҳраманд бўляпмиз. Илоҳим, азиз Юртбошимиз ҳам улуғ ёшга етиб юрсинлар!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТУРИЗМ — ДУНЁ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Юртимизда туризм, меҳмоннавозлик йўналишида замонавий таълим-тарбия кўрган мутахассис кадрларнинг янги-янги авлодларини тарбиялаб етиштиришга жиддий эътибор кўрсатиляпти. Чунончи, ана шу соҳанинг ўрта махсус малакали хизматчиларини тайёрлайдиган коллежлар мавжуд. Бир қатор олий ўқув юртларида эса туризм бўйича юқори савиядаги кадрлар тайёрланмоқда.



Анжуман

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро давлат университети соҳанинг таянч олий таълим муассасаларидан ҳисобланади. Бу олий ўқув юртлари туризм соҳасида ишловчи кадрлар тайёрловчи факультетларга ва кафедраларга эга бўлиб, уларда малакали профессор-ўқитувчилар жамоалари шаклланган. Педагоглар жамоаси эса эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, таълимни замон талаблари даражасида ташкил этиш, бу борада ривожланган давлатлар тажрибаларидан самарали фойдаланишга интилмоқдалар. Масалан, айнан шу олий ўқув юртларида, мана, уч йил бўляптики, халқаро ТЕМПУС дастурининг ToHoSt-CA ёки аниқроқ айтсак, «Туризм таълимини такомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш» номли халқаро лойиҳаси амал қилиб келмоқда.

Лойиҳа туризм ва меҳмоннавозлик бўйича таълимга халқаро таълим ва амалиёт тажрибаларини ўзида мувофиқлаштирган умумий ўқув режаларини жорий этишни, шу асосда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашни, давлат ва хусусий йўналишдаги сайёҳлик тизимларида бошқарув ҳамда маркетинг бўйича янги тажрибаларни оммалаштиришни, соҳада ахборот технологиялари, интернетдан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштиришга кўмаклашишни, лўнда қилиб айтганда, бу улкан ҳудудда туризм хизматини энг замонавий даражаларда ташкил этилиши борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадларига қаратилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу лойиҳа бўйича энг сифатли таълим олган талабаларга халқаро миқёсда амал қиладиган олий маълумот дипломлари тақдим этилади. Лойиҳа бўйича ишлар 2003 йилда бошланган эди. Шу йил охирида якунланади.

Яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида лойиҳанинг якуний натижаларига бағишланган тақдимот бўлди.

Биз анжуман меҳмони, лойиҳанинг Европадаги координатори жаноб Жан Пьер РУУЗ билан суҳбатлашдик.

— Университетларнинг ҳозирги талабалари туризмни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш салоҳиятига эга бўлишлари керак, — деди меҳмон. — Лойиҳа ана шундай юқори илмий ва амалий савиядаги туризм таълимини уюштиришни ўз олдига мақсад этиб қўйган. Назаримда, унинг натижалари ёмон бўлмади. Марказий Осиёда, Мўғулистонда туризм соҳасида энг замонавий билим ва тажрибага эга ёш мутахассислар гуруҳлари пайдо бўлди. Европа ва Осиё университетлари ўртасида туризм, меҳмоннавозлик соҳасидаги таълим, амалиёт тажрибаларини ўзаро баҳам кўриш бўйича ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда.

Мен Ўзбекистон тўғрисида ҳам ўз таассуротларимни айтгим келади. Ўзбекистон — дунё маданиятининг қадимги бешикларидан бири. Айниқса, мустақиллик даврида жаҳон халқларининг унга қизиқиши кучайди. Бу ерда туризмни барқ уриб ривож топтириш учун талаб ва эҳтиёжлар етарли. Ўзбекистонда шундай эҳтиёжлар асосида сўнгги йилларда туризм индустрияси юксалаяпти. Бу ердаги ҳашаматли, юлдузли меҳмонхоналар кишини маҳлиё этади. Мамлакатда давлат миқёсида ва хусусий йўналишда туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Соҳанинг замонавий мутахассис кадрларини тарбиялашга катта эътибор кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон — йирик сайёҳлик маркази бўлиши учун барча имкониятларга эга. Шу йўлда сизларга катта ютуқлар тилайман.

М.САФАРОВ.

Солиқ юки пасаяди

бу — реал даромад ортади, дегани

Истиқбол режалари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 августда бўлиб ўтган мажлисида 2007 йилда солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама этилган эди. Таклиф этилаётган солиқ концепциясига давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, халқнинг турмуш даражасини ошириш каби вазифалар асос қилиб олинган. Жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда Вазирлар Маҳкамаси мажлиси якунлари, 2007 йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокама этилиб, солиқ тўловчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда.

Фарғона вилояти давлат солиқ органлари ва хўжалик юритувчи субъектлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишни вилоят ҳокими Ш.Нурматов олиб борди. Йиғилишда сўзга чиққан Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида муҳокама этилган солиқ концепцияси лойиҳасининг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича маълумот берди. Солиқ концепцияси лойиҳасида 2007 йилда мамлакатимизда солиқ ставкаларини янада пасайтириш, хусусан, юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўловни 25 фоиздан 24 фоизгача пасайтириш таклиф қилинган.

Айни пайтда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш ҳам кўзда тутилган. Тақдим этилаётган лойиҳада даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси қуйи шкаласини 13 фоиз даражасида сақлаб қолган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинганда ўртача шкалани 20 фоиздан 18 фоизгача ва энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ даромад олинганда эса, юқори шкалани 29 фоиздан 25 фоизгача камайтириш назарда тутилган. Бошқа турдаги солиқларни ҳам сезиларли даражада пасайтириш, айрим солиқ турларини бирхиллаштириш ва соддалаштириш таклиф этилмоқда. Бу таклифлар 2007 йилнинг бюджет параметрларини ишлаб чиқишда асос қилиб олинади.

Солиқ солишнинг янги тартиби билан олдиндан танишиш имкони яратилганлиги хўжалик юритувчи субъектлар учун айни муддао бўлди. Улар ўз фаолиятларини олдиндан режалаштириш чораларини кўра бошлайдилар.

Шундай йиғилиш Тошкент вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими М.Куччиев бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққан Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 августдаги мажлисида муҳокама этилган солиқ концепцияси лойиҳасига батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнг тадбиркорлар томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарилди. Бу ҳол 2007 йилга таклиф этилаётган солиқ концепциясига солиқ тўловчиларнинг қизиқиши катталигидан далолат беради.

Йиғилишда сўзга чиққан ишбилармонлар тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш, солиқ юкини пасайтириш ва соддалаштириш таклиф этилмоқда. Бу таклифлар 2007 йилда кўрсатилаётган чора-тадбирлар учун Президентимиз ва ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш истагини билдирдилар.

Йиғилишда белгиланган вазифалар ижросига қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди. Шу масалага бағишланган йиғилишлар Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

ДСҚ Матбуот хизмати.

ҚОЗОНЧИНИНГ ИШИМИ?!...

Яна бир гап. Акцияларини сотган 8 та ширкат хўжалиги раислари 2005 йил 24 ноябрда қимматли қоғозлар маркази директори номига ёзган тушунтириш хатларида ўзлари рози бўлиб, брокер ёллаган ҳолда, акцияларни шартнома асосида «Тошкент» фонд биржаси орқали сотганликларини, номинал қиймати 1000 сўмлик акцияларни 3000 сўмдан сотиб бериш учун брокерга топшириқ беришганини ва белгиланган сумма ширкат ҳисоб рақамига тўлиқ тушганини баён этишган. Лекин судда улардан 3 нафари кўрсатмасини ўзгартирган. Жумладан, "Бекобод" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Атаназар Сапаев "Абидов алмаштириб бераман, деб мени алдаб акцияларни олиб кетди. Шартнома рус тилида тузилганди, мен бу тилни тушунмайман. Акция қимматлашишини билмаганман, акс ҳолда уларни сотмасдим", деган. "Ғалаба" ҳамда Охунбобоев номли ширкатлар раислари Э.Абдуллаев ва И.Мадримовлар ҳам шунга ўхшаш гапни айтишган. Шартномада 26 марта такрорланган «сделка», 6 марта ёзилган «купля-продажа» сўзини узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаган кишилар тушунмаслигига ақл бовар қилмайди.

Терговдан сўнг ишга фуқаровий даъвогар сифатида жалб этилган ширкат хўжаликларини тугатиш комиссиялари раисларидан бири У.Жуманиязовнинг судда «Мен даъвомдан қайтаман. Ҳужжатларни ўрганиб чиқдим, акциялар қонуний сотиб олинган, терговчининг айблов хулосасига ўрганиб чиқмай, имзо қўйиб берганман», деган кўрсатмаси ҳам инобатга олинмаган. Б.Бекчанов, М.Аллаберганов, М.Мадраҳимов, Х.Абдуллаев, А.Олимов, К.Ҳаитов каби гувоҳлар қимматли қоғозлар бўйича тупули эса қайтарилмаслиги, ҳадя қилинган акциялар уларни эгалари қайтариб олишни хоҳламаганликлари учун "Урганч МТП"га ўтказилиши лозимлигини кўрсатган. Худди шунингдек, А. Ҳакимовнинг О. Абидовни атай айблаш учун унга пул бергани тўғрисидаги кейинги терговлар жараёнида исботланмаган кўрсатмасига ҳам ҳуқуқий баҳо бермаган.

Яна бир мавҳумлик: суд-Иш судья И.Ядгаровдан олиниб, О.Каримовга топширилди. Янги судлов ҳайъати эса 22 март куни бўлган мажлисда маслаҳатхонадан чиқиб, ўзи қабул қилган ажримни ўқиб эшиттирмаган ҳолда ҳукмни кучида қолдирди.

О.Абидовнинг назорат тартибидаги шикоятлари ҳам ижобий натижа бермади. Уларга вилоят судидан қуйидагича рад жавоби берилган: "Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 404-сонли қарорининг 2-иловаси 6.4-бандида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари белгилаб қўйилганидан паст нархда сотилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган ва "Хоразм Вақт" депозитарийсининг "қимматли қоғозлар бозорида манипуляциянинг олдини олиш тўғрисидаги қоидага зид равишда О.Абидов томонидан бехабар акциядорларнинг акцияларини сотиб олиш ишларини бошлаб юборганлиги" ҳақидаги хулосаси билан рад этилади.

"Қимматли қоғозлар бозорида манипуляция қилишларнинг олдини олиш қоидалари"да «Қимматли қоғозлар бозорида манипуляциялаш — қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси (иштирокчилари) томонидан сохта битимлар тузиш, ўзаро айнан ўхшаш талабларни амалга ошириш, қимматли қоғозлар билан сохта қисқа муддатли битимларни амалга оширишдан иборат ғайриқонуний фаолият тури" деб кўрсатилган.

"Хоразм Вақт" МЧЖ депозитарийсига хулосани қонуний асослаб бериш тўғрисида берилган хатга 2006 йил 24 июлдаги жавоб хатида "жамият томонидан "Урганч МТП" ОАЖ бўйича хулоса берилмаган. Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги хулосалар Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан берилиши мумкин", дейилган. Демак, хулоса тугатилган жиноят ишини қайта тиклаш учун норасмий ва ғайриқонуний равишда олинган. Устига устак, Вазирлар Маҳкамаси қароридаги "хусусийлаштирилаётган" сўзи "хусусийлаштирилган" дея ўзгартирилиб, моҳиятан нотўғри талқин қилинган. Бундан ташқари, жамият акцияларининг қиймати 2004 йил 1 январь ҳолатига 741 сўмни, 2004 йил 1 октябрь ҳолатига кўра эса 1000 сўмни ташкил этганига, О. Абидов уларни тўрт баравар қиймат нархда сотиб олганига эътибор қаратилмаган.

Қисқаси, Озод Абидов ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган, қимматли қоғозлар бозори ҳақида етарлича билим ва тажрибага эга ишбилармонлардан бўлишига қарамай, айрим қонуншуносларнинг ноҳолисликлари туфайли озор чекиб, идорама-идора қатнаб, адолат сўраб юрибди. Аммо ҳозиргача унинг иши юзасидан оқни-оқ, қораниқора дейдиган киши топилмади. Келгусида бу масалага Олий суд қатъий ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Мамлакат раҳбари аниқ бўлди

Икки ойлик тортишувлардан сўнг Филип Кальдерон Мексика президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда ғолиб деб топилиб, мамлакат раҳбари дея расман эълон қилинди. Мексика Олий суди жорий йил 2 июлда бўлиб ўтган сайловларда Кальдерон ғалабасини тасдиқлаб, қарор чиқарди. Давлат раҳбарлиги курсиси учун курашган Андрес Мануэл Лопес Обрадор овоз бериш жараёнида кўплаб қонун бузилиш ҳоллари рўй берганини даъво қилиб, судга мурожаат қилганди. Етти судьядан иборат ҳайъат аъзоларининг барчаси Обрадор томонидан илгари сурилган айбловларни рад этди. Сайлов бюллетенлари қайта санаб чиқилганда Кальдерон ўз рақибига нисбатан 233 мингта кўпроқ овоз тўплагани маълум бўлди. Эслатиб ўтамиз, сайловларда 41,6 миллион фуқаро иштирок этганди.

Мамлакатнинг янги раҳбари жорий йил 1 декабрдан ўз вазифасини бажаришга киришади.

Бош вазир истеъфога чиқмоқчими?

Буюк Британия ҳукумат раҳбари яқин сафдошларининг сўзларига қараганда, Тони Блэр келгуси бир йил давомида истеъфога чиқади. Ҳукумат аъзоси Хиллари Армстронгнинг таъкидлашича, Блэр Лейбористлар партиясининг 2007 йилда бўладиган съездига қадар ўз лавозимидан воз кечади.

Ҳукумат аъзоларининг 17 нафаридан кўпчилиги қоидага биноан, мамлакатда кечаётган сиёсий мавҳумликка чек қўйиш мақсадида бош вазирни истеъфога чиқишга чақирувчи мактубга имзо қўйдилар. Бироқ таҳлилчиларнинг фикрича, Тони Блэр мухолифатчилари бу билан қаноатланишмайди ва унинг эртароқ ҳукумат тепасидан кетишини хоҳлашмоқда. Сиёсий кузатувчи Ник Робинсон ҳукумат аъзоларининг бундай мактубни имзолаши Тони Блэр маъмурияти сезиларли даражада заифлашганини кўрсатишини билдирди.

Қўмондон ҳибсда

Исроил ҳарбийлари Фаластиннинг «Форс 17» деб номланувчи бўлинма қўмондони Маҳмуд Дамрни ҳибсга олди. Ушбу бўлинма мухторият раҳбарининг гвардияси ҳисобланади. Фаластин маъмурияти вакилининг сўзларига қараганда, генерал Маҳмуд Дамр Наблус шаҳрида ушлаб турилибди. Исроил ҳарбийлари мазкур маълумотга изоҳ беришни рад этди.

«Форс 17» Фаластин етакчиси Ёсир Арофат вафот этгандан сўнг тузилган эди. Исроил ҳукумати мазкур бўлинмани терроршилик хуружларида иштирок этганликда айбламоқда. «Ҳаарец» газетасида чоп этилган мақолада келтирилишича, Исроил ҳарбийлари Дамрни олти йилдан буён қидириб келаётганди. Маҳмуд Дамр «Форс 17»га жорий йил май ойида қўмондон этиб тайинланганди.

Жангарилар билан келишув

Покистон ҳукумати Афғонистон чегарасидаги тоғларга ўрнашиб олган толибон жангарилари билан кўп йиллик зиддиятларга барҳам берувчи келишув имзолади. Икки томонлама битимга кўра, Шимолий Вазиристон қабила бошлиқлари хорижлик жангарилар билан ҳамкорлик қилишни ва чегара орқали ҳужум қилишни тўхтатади. Бунинг эвазига Шимолий Вазиристонда ҳукумат ҳарбийлари кескин камайтирилади.

Бир неча йилдан буён ўн минглаб покистонлик ҳарбийлар мазкур ҳудудда хорижлик жангарилларга қарши ҳарбий операциялар ўтказиб келмоқда. Отишмалар чоғида сўнгги бир йил давомида юзлаб киши қурбон бўлди.

Гумондорлар қўлга олинди

Дания полицияси терроршилик хуружларини амалга оширишга тайёргарлик кўраётганликда гумон қилиб, 9 кишини қамоққа олди. Мамлакат махсус хизмати вакилининг сўзларига қараганда, қамоққа олинганлар ёнидан портловчи ускуна тайёрлашда ишлатиладиган ашёлар топилган. Гумондорларнинг барчаси муҳожирлар яшайдиган Оденсе шаҳрида ушланган. Уларнинг орасида данияликлар ҳам бор.

Мамлакат разведка хизмати раҳбари Ларс Финдинсен гумон қилинаётган шахслар қаерда ва нима мақсадда терракт амалга оширишга ҳаракат қилганликларига ойдинлик киритмади. Унинг сўзларига қараганда, мазкур шахслар ҳаракати анчадан буён махсус кузатувда бўлган.

Террорчилар йўқ қилинди

«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Афғонистонда фаолият юритаётган НАТО кучлари томонидан ўтказилган аксилтеррор операцияси натижасида «Толибон» ҳаракатининг 60 нафар жангариси йўқ қилинди. Майор Квентин Иннисниг айтишича, тинчликпарвар кучлар жорий йил 5 сентябрь куни жангарилар қаршилигига дуч келишган ва ўртада отишмалар бошланиб кетган. Манбада келтирилишича, ҳаводан берилган зарбалар натижасида тўрт нафар дала командири йўқ қилинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

DQS

«DQS QUALITY SYSTEMS» компанияси сертификация бўйича немис **DQS GmbH** органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:
DIN — стандартлаштириш бўйича немис институти;
DGQ — сифат бўйича немис жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

Компания мижозлари:
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Муборакнефтегаз», «Hobas TAPO» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Молия муассасаларида

«Ипак йўли» банки 16 йилдан бери Ўзбекистон молиявий бозорида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр давомида у хорижий банклар билан корреспондент алоқаларни ўрнатиш, халқаро пул ўтказиш тизимлари бўйича хизматлар кўрсатиш, хорижий кредит линияларини жалб қилиш, чет эл тажрибаси ва иш юритиш услубларини ўз фаолиятига татбиқ этиш каби имкониятлардан кенг фойдаланиб келяпти.

«Ипак йўли» банки:

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бу борада, айниқса, банкнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ишлаш ва маркетинг бўлимлари самарали иш олиб борди. Натижада «КфВ» Германия Тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки ва Ислом Тараққиёт банкининг ташкилий тузилмасига кирувчи Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси каби халқаро молиявий ташкилотлар билан келишувларга эришилди.

Бугунги кунда банк қуйидаги етакчи хорижий банкларда корреспондент ҳисобрақамларига эга: «Deutsche Bank Trust Company Americas», «American Express Bank Ltd» (Нью-Йорк, АҚШ), «Commerzbank AG», «Deutsche Bank AG» (Франкфурт, Германия), «Raiffeisen Zentralbank Oesterreich AG» (Австрия), «Казкоммерцбанк» (Қозоғистон), «Азия-Инвест» банки, «Импэксбанк» ва «Анелик РУ» банки (Россия).

Банкда 1997 йилда имзоланган ҳукуматлараро келишув асосида Германия Ривожланиш банки (KfW) кредит линияси очилган. Ҳозирги пайтда 3 транш эгалланган бўлиб, олдин берилган маблағларни қайта молиялаштириш амалга ошириляпти. 2006 йил 1 август ҳолатига кўра, 9859,2 минг евро миқдоридаги 36 та лойиҳа молиялаштирилди. «КфВ» кредит линияси бўйича кредит портфели эса 4 77,1,5 минг еврони ташкил этади.

«Ипак йўли» банки, ЕТТБ ва «LFS Financial system GmbH» Германия консалтинг компанияси ўртасида 2001 йил 28 февралда имзоланган келишувга биноан очилган Микрокредитлаш дастури асосида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериляпти. Шу йил 1 август ҳолатига кўра 9990,6 млн. сўмлик 2175 та кредит ажратилди. Микрокредитлаш дастурининг кредит портфели эса 2883,9 млн. сўмни ташкил қилди.

Жаҳон банкининг 2000 йилдаги «Молиявий институтларни институционал ривожлантириш» лойиҳаси бўйича, шунингдек, «Ипак йўли» банкига тўрт йўналишда (стратегия ва бизнес-режалаштириш, кредитлаш, ғазначилик, бухгалтер ҳисоботи ва аудит) техник ёрдам кўрсатилди. Бу лойиҳа шарофати туфайли «Ипак йўли» банки молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) мос ҳолда амалга ошириб келяпти.

2005 йилдан бошлаб Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси билан ҳам яқин алоқалар ўрнатилди. Эндиликда кичик бизнес вакилларини лойиҳавий молиялаштириш учун 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги молиялаштириш линияси очилиши режалаштирилмоқда.

Осиё Тараққиёт банкининг (ОТБ) 1963-UZB-сонли займи бўйича Ўзбекистонга «Кичик ва микромолиялаштириш лойиҳаси» асосида 15 млн. АҚШ доллари ажратилди. «Ипак йўли» банки шу лойиҳада қатнашиш имкониятини қўлга киритиб, асосий келишув асосида ОТБ «Ипак йўли» банкига 1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линия ажратади, молиявий маблағ эса Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. t

«Микрокредитбанк» янги бекати

Истиқлолнинг ўн беш йили давомида кичик бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Бунда, табиийки, 1993 йилнинг 7 январида мамлакатимиздаги йирик акциядорлик тижорат банкларидан бири — «Ўзтадбиркорбанк»нинг таъсис этилгани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда эса, шу банк негизида «Микрокредитбанк» ташкил этилдики, биз уни, чин маънода, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, мулкдорлар синфининг банки, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирда «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси 2300 нафардан кўпроқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида уларга 3,2 миллиард сўм кредит берилди. Бу маблағлар кичик бизнес субъектларига қишлоқ хўжалик техникаси ва мини технологиялар, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга йўналтирилди. Бундан ташқари, биринчи ярим йиллик давомида хусусий тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига 235 миллион сўм, жисмоний шахслар, шу жумладан, касаначилик билан шуғулланувчиларга 63 миллион сўм кредит ажратилди. Бошланғич сармоя сифатида берилган 38,3 миллион сўм ҳам бу борада сезиларли из қолдирди. Умуман, ўтган 6 ой ичида берилган кредитлар эвазига 119 та янги иш ўрни яратилди, 20 хонадон эса зот-дор қорамол харид қилди. Кредитларнинг жозибасини мана бу мисоллар ҳам исботлаб турибди. «Интер-фарм» ишлаб чиқариш корхонасига шу йилнинг 20 февралида 3 йил муддатга 10 миллион сўм кредит ажратган эдик. Корхона шу маблағ ҳисобига 8 та янги иш ўрни яратди, қисқа муддатда 2,2 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарди. Биздан кредит олган «Азат-Қиет» фермер хўжалиги ва «Нукус-Оқилжон» хусусий корхонаси ҳам ривожланиш йўлига ўтиб олди.

«Микрокредитбанк»нинг бозор иқтисодиётидаги янги бекати, айниқса, тадбиркор аёллар фаолиятига жўшқинлик касб этмоқда. Биз жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари, маҳалла ва овул фуқаролари йиғинлари билан биргаликда аёлларни уй меҳнати билан банд қилиш, микросармоялар воситасида улар орасидан мулкдорларни, фермерларни, ишбилармон ва тадбиркорлар синфини шакллантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу саъй-ҳаракатлар табиийки, пировардида нафақат оилалар, балки иқтисодиётимизнинг тараққиётига хизмат қилади.

Мен ишбилармонликка иштиёқи бор барча фуқароларни «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилишга чақирар эканман, мамлакатимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан самимий табриклайман, ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик, бахту барака, бизнес вакилларига эса омад тилайман!

Дилбар ХЎЖАНИЁЗОВА,
«Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.

Жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида биргина кичик бизнес субъектларини ривожлантириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё минтақавий филиали томонидан 154,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.



МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНМОҚДА

— Бу, албатта, жамоамизнинг банк капиталини кўпайтириш, унинг ликвидлигини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ҳисобига даромадларни кўпайтириш, рентабеллик даражасини ошириш, янги хизмат турларини жорий қилиш, янги мини банклар очиш орқали аҳолига қулай банк хизмати кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз самарасидир, — дейди ушбу филиал бошлиғи Абдусамад Маматов.

Бугунги кунда мазкур филиалнинг 3 та мини банки, 2 та жамғармаси ва махсус кассаси фаолият юритиб, улар 3063 дан зиёд мижозга намунали банк хизмати кўрсатаяпти.

2006 йил 1 июль ҳолатига кўра, филиалнинг кредит портфели 2225,1 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 232,4 миллион сўми қисқа муддатли, 1992,7 миллион сўми узоқ муддатли кредитлар бўлиб, бари турли соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилди. Жумладан, саноатга 77,3 миллион сўм, савдога 31,1 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 1300,5 миллион сўм, автокредитга 273,4 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан эса ўтган даврда уларга жами 72,7 миллион сўмлик узоқ муддатли кредитлар берилди.

Айни чоғда жорий йилнинг 7 ойи давомида банкка жами 6006 миллион сўм нақд пул кирим қилиндики, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2049,5 миллион сўмга ошган.

Банк жойларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишга ҳам катта эътибор бермоқда. Жумладан, 1 август ҳолатига кўра, 18200 та пластик карточка тарқатилди. Бошқача айтганда, иш ҳақи лойиҳасига киритилган 20 та ташкилотга 16200 та пластик карточка тўғри келди.

Шу йилнинг 1 августига қадар, шунингдек, 37 та терминал ўрнатилди. Уларнинг 7 таси АЁҚШ, 3 таси коммунал тўловлар қабул қилиш шохобчаси, 1 таси умумий овқатланиш корхонаси, 2 таси тиббий хизмат кўрсатиш маскани, қолган 24 таси эса озиқ-овқат дўконларида жойлашгандир.

Мавжуд банкомат ва терминалларда эса жами 43,3 миллион сўм пул айланмаси яратилди. Шундан пластик карточкалар орқали берилган нақд пул суммаси 34,9 миллион сўмни, савдода ўтказилган транзакцияларнинг умумий суммаси эса 83,3 миллион сўмга етди.

Шу билан бирга, банк филиалида фуқаролар ва меҳмонларга пул ўтказиш ишларида қулайлик туғдириш мақсадида 2003 йил октябрь ойидан бошлаб «CONTACT», 2006 йил июнь ойидан «MIGOM», «INTEREXPRESS» халқаро пул ўтказмалари тизими фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали аҳоли чет эл валютасида ўз маблағларини хорижий мамлакатларга қисқа муддатда ва минимал тўловлар эвазига, энг асосийси, кафолатли тарзда етказиб бериш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Қисқаси, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё минтақавий филиали ходимлари бугун ўз мижозлари ишончини оқламоқда. Жамоа аҳли барча мижозларини гўзал диёримизнинг қутлуғ 15 йиллик тўйи — Мустақиллик байрами билан қутлаган ҳолда, уларга бундан буён ҳам сифатли банк хизмати кўрсатиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаверади.

Норқул МАМИРОВ.

Кредитлар — уй-жой қурилишига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги 10-сонли қарорига асосан аҳолининг уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш учун узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини ривожлантириш мақсадида «Уйжойжамғармабанк» ва «Заминбанк»и негизида «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилган эди. Бугунги кунда ушбу банкнинг Самарқанд вилояти бўлими якка тартибдаги уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга, замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга узоқ муддатга имтиёзли кредитлар бермоқда.

Уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга халқаро ва маҳаллий молия институтларининг инвестиция ҳамда грантларини жалб этмоқда, филиаллар шохобчаларини кенгайтирмоқда.

Шу кеча-кундузда эса бўлимнинг 2 та филиали, 7 та мини банки, 22 та жамғарма кассаси ишлаб турибди. Улар томонидан 3470 тадан зиёд мижозга малакали банк хизмати кўрсатилаяпти.

Эътиборлиси, мини банклар шаҳар ва қишлоқ жойларида очилган. Хусусан, Каттақўрғон, Пастдарғом, Ургут туманлари, Самарқанд шаҳрининг «Сиёб», «Дамашқ», «Темирйўл» бозорлари, автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш бозорларидаги мини банклар фаолиятидан мижозлар мамнун.

Жамғарма кассалари эса Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан, аҳолидан электр энергияси учун ва бошқа коммунал тўловларни қабул қилиб олаяпти, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонат турларига жалб қилмоқда.

Булардан ташқари, банкда коммунал тўловларни йиғиш бўйича махсус автоулов ташкил этилган. Бу автоуловлар ёрдамида ходимлар аҳоли гавжум жойларга, маҳалла фуқаролар йиғинларига чиқиб коммунал тўловларни қабул қилиб олмоқда. Ўртача коммунал тўловлар ойига 400-450 миллион сўмни ташкил этмоқда.

2006 йил 1 август ҳолатига кўра, «Ипотекабанк»нинг Самарқанд вилояти филиали томонидан 500 дан зиёд микрофирмалар ва кичик бизнес субъектларига 3,625 миллион сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Жумладан, 2006 йил ғалла ҳосили учун имтиёзли 162 миллион сўм, пахта ҳосили учун 540 миллион сўм, савдога 2,204 миллион сўм, ишлаб чиқаришга 305 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва қурилишга 227 миллион сўм, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва техника сотиб олиш учун 24 миллион сўм берилди.

«Ипотекабанк» тизимида Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси очилган бўлиб, ушбу линия асосида Самарқанд вилояти бўйича ҳам кредит бериш йўлга қўйилган. 2006 йилнинг 7 ойи давомида бўлим филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига 2137 миллион сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Булардан ташқари, 2006 йил 1 август ҳолатига кўра, банк жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш ишларига 21 миллион сўм миқдорида ипотека кредитлари берди. Уй жиҳозлари, маиший хизмат техникалари сотиб олиш учун эса 106 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса бўлим филиаллари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига 33 та терминал ўрнатилиб, 16409 та пластик карточка тарқатилди. Ушбу пластик карточкалар ва терминаллар орқали аҳоли, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмоқда.

Натижада бугунги кунгача 550 миллион сўмдан ортиқ маблағлар фақат «Ипотекабанк» терминаллари орқали муомалага киритилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида ҳам бўлим ибратли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган ойи давомида омонат турларига жами 972,4 миллион сўм жалб қилинди. Айни кунларда омонатларнинг «Болажон», «Мустақил юртим», «Антиқа», «Эзгулик», «Меҳрибонлик» каби турларидан аҳоли баҳраманд бўлмоқда.

«Ипотекабанк» АТИБнинг Самарқанд вилояти бўлими жамоаси келгусида ҳам аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга намунали банк хизматлари кўрсатишига ишончимиз комил. t

Ўзимизда ишлаб чиқарилган

КИРОЙИ ИСИТГИЧ ШУНДАЙ БЎЛСА

Бугун ўзбекистонликлар қишки мавсумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Одамлар иситгичларни харид қилиб, хоналаридаги тирқишларни беркитмоқда, синган ойналарни бутламоқда. Бироқ иситгичлар ҳар хил бўлади. Навоий кўчасида ва «Паркент» бозорида жойлашган ярмарка ва дўконларда хорижда ишлаб чиқарилган иситгичларнинг турли-туманларини танлаб олишингиз мумкин. Муаммо бошқа нарсада: улар белгиланган талабларга ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берармикан? Харид қилинган буюм уйга иссиқлик ўрнига кулфат олиб келмасмикан?

Ўтган йилги тажриба шуни кўрсатдики, бундай хавфсирашга асос бор. Хориждан келтирилган иситгичларнинг аксарияти ишлаб чиқарилган мамлакатларининг сертификатларига эга бўлган ҳолда, республика ёнғин хавфсизлиги лабораториясида синовдан ўта олмади. Нима сабабдан? Бунинг сабабини электротехникадан хабарсиз киши ҳам тушуниши мумкин. Гап шундаки, маиший хоналар, турар жойлар, офислар, кийиниш жойлари, касалхоналардаги электр тармоқларининг қуввати кўпи билан 2 кВт га мўлжалланган. Хориж иситгичлари эса 2,5 кВт электр энергиясини истеъмол қилади. Яъни қувват ортиб кетади.

Металл, кварц иситгичлар эса иссиқлик билан бирга кўплаб камчиликларга ҳам эга. Улар ишлатилганида ҳаво қуриб кетади, кислород қолмайди. Бундай мосламалардан болалар, қариялар, юрак-томир, ўпка хасталикларидан азият чекувчилар ва бошқа беморлар бор жойда фойдаланиш мумкин эмас. Бундай иситиш мосламаларида тўлқинлар узунлиги 300 мкм.га тенг. Улар баданга тегиб, асаб ҳужайраларига таъсир кўрсатади, иситилган хоналарда узоқ вақт бўлиш натижасида одамда асабий зўриқишлар рўй бериши ҳам мумкин.

Металл иситгичлар (вольфрам, нихром)нинг иссиқлик даражаси 1000 даражадан ошган пайтда энг кўп иссиқлик беради. Аммо уларнинг камчилиги шундаки, қизиб кетган металл атрофида вакуум ҳосил бўлиб, у ҳавонинг мўътадил исишига халал беради. Иссиқликнинг тўлқинсимон тарқатилишигина сақланиб қолади. Бундай нурлар иситишдан кўра кўпроқ куйдиради.

Лекин бу борада яхши ишланмалар ҳам бор. Ҳозирги пайтда Тошкентда керамик иситиш элементлари бўлган иситгичлар ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг иссиқлик тўлқинлари узунлиги 5-5 мкм.га тенг, яъни 50-60 маротаба қисқа. Демак, бундай иситгичлардан фойдаланганда, ҳавонинг намлиги камайиб кетмайди ва кислороднинг озайиши 50-60 маротаба кам бўлади.

Бундай мосламалар тараётган тўлқинларнинг узунлиги деярли бир хил бўлиб, уларнинг иссиқлиги одам организмига сездирмай сингиб кетади ва нафақат қулайлик яратади, балки инсоннинг ички қувватини оширади. Иссиқлик оқимидаги фойдасиз узун ва қуйдирувчи тўлқинлар кесиб ташланган 5-5 мкм.ли қисқа тўлқинлар эса чуқур ва майин иситиб, даволайди. Унда статистик электр қувватини жамлаш хусусияти йўқ. Иситиш элементидаги ўзгарувчан ток туфайли вужудга келадиган магнит майдони ҳам мавжуд эмас, бу эса барча маиший электр асбобларига хос хусусиятдир.

Мактабларда керамик иситиш элементли иситгичлардан фойдаланишнинг биринчи йили ўқувчилар ва ўқитувчиларда респираторли хасталикларни кескин камайтириш имконини берди. Бронхиал астма ва аллергия хасталикларнинг намоён бўлиши озайди. Шунингдек, Тошкентда ишлаб чиқарилаётган асбоблар электр токини 30-40 фоиз кам сарфлайди. Корпус ичига ўрнатилган вентилятор иссиқ ҳавони шифт ва пол оралиғида бир текис тақсимлайди. Шу сабабли, ушбу маиший иситгичларнинг энг юқори қуввати 2 кВт. га тенг бўлгани ҳолда, 2,5 кВт қувватга эга хорижий иситгичларга қараганда кўпроқ иссиқлик етказиб беради. Керамик иситиш элементли иситгичлар нафақат тежамкор ва экологик тоза, айни пайтда улар техник ва ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфсиз, чунки керамик буюмлар диэлектрикдир. Иситгич ичидаги ҳарорат 90 даражага тенг бўлса-да, унинг корпуси 40-50 даражадан ортиқ исиб кетмайди.

Бугунги кунда ушбу иситгичлар клиник касалхоналарнинг реанимация бўлимларида, касалхоналар палаталарида, туғуриқхоналарда, мактабларда, меҳмонхоналарда, турар жойларда, дала ҳовлиларда самарали ишлатилмоқда. Ҳарбий казармалар, ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар, ресторанлар, мажлислар заллари, иссиқхоналар, паррандачилик фермалари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Улар учун қуввати кўпроқ бўлган, 400 кв.майдонли хоналарни иситишга қодир бўлган 3 фазали калориферлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар ҳам маиший иситгичлар каби керамик иситиш элементлари ёрдамида ишлайди.

Шифобахш иссиқлик берувчи иситгичлар ҳақида ҳикоя қиларканмиз, мамлакатимизда ЯИМ да кичик бизнес улушини ошириш (45-50%) ҳақидаги кўрсатма амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Ва, ниҳоят, бундай ажойиб иситгичлар Тошкентдаги «ПГС» хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғини кўришни истасангиз, мулоқот учун телефон рақамларини таклиф этамиз: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23, 79-14-29.

Усмон УСМОНОВ.



КОРПОРАЦИЯ

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

КОРПОРАЦИЯ 500

АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА $	12
ИМТИЁЗЛИ ДАҚИҚАЛАР, ОЙИГА	500
ЧИҚУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН	
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,02
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,01
КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН	
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,00
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,00

КОРПОРАЦИЯ 1000

АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА $	24
ИМТИЁЗЛИ ДАҚИҚАЛАР, ОЙИГА	1000
ЧИҚУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН	
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,02
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,01
КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН	
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,00
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,00

ИЗОҲ:
- Таклиф фақат 5 ва ундан ортиқ МТС-Ўзбекистон тармоғида актив рақамларга эга бўлган юридик шахслар учун ҳақиқийдир.
- Ой мобайнида ишлатилмаган тариф режасига мувофиқ имтиёзли дақиқалар кейинги ойга ўтмайди.

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Словенияда (SI.MOBIL) ва халқаро GPRS-роуминг хизмати Малайзияда (Maxis) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 22 янги база станциялари Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент (Паркент, Ўртаовул, Қўшёғоч, Эски қовунчи), Хоразм (Оқмачит), Сурхондарё (Термиз), Самарқанд (Каттақўрғон, Зиёдин), Наманган (Наманган, Ўнҳаёт), Навоий (Навоий), Бухоро (Марзия), Андижон (Деҳқончек, Қўштепа, Ёрқишлоқ) вилоятларида ишга туширилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

Боғ ичидаги боғ

Юртимизда Энг улуғ ва энг азиз байрам — истиқлолимизнинг қутлуғ 15 йиллик тантаналари кенг нишонланмоқда. Айём арафасида маданий-маиший бинолар, саломатлик муассасалари, янги ўқув масканлари, бир сўз билан айтганда, халқимизга хизмат қилишга мўлжалланган ранг-баранг иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳам кундан-кунга кўркам қиёфа касб этаётир. Албатта, бу ўзгаришлар Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилмоқда. Айни кунларда мазкур масканда бўлган кишининг завқ-шавқи ошишига шак-шубҳа йўқ. Сабаби, қисқа вақт ичида боғ янада сўлим ва дилтортар гўшага айланди.

Таъкидлаш жоизки, ана шу бунёдкорлик ишига "Tabiat goostar" Ўзбекистон — Эрон" муҳандислик қўшма корхонаси ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Миллий боғни айланар экансиз, кўзингиз ажиб бир манзарага тушади. Яъни, ўзгача бир дизайн билан безатилган майдончада юртимизда учрамайдиган ранг-баранг ўсимликлар, ҳайвонот оламининг намуналари диққатингизни тортади. Сунъий ҳовуз атрофидаги тошлар орасида оқу, сал нарида патларини ёзмоққа ҳозирланаётган товус, бошқа томонида эса ғоз турган отлар... Кичик бир зоопаркни эслатувчи ушбу мўъжиза инсон ақл-заковатининг самараси, албатта.

Уларнинг майсалардан, ўсимликлардан яратилгани, айниқса, эътиборлидир. Гап шундаки, улар ҳаракатланмайди, бироқ табиатнинг бебаҳо инъоми — сув ва қуёшдан баҳра олиб, инсонларга завқ улашади. Уларнинг технологик жиҳатлари ҳам ўзига хослиги билан кишини лол қолдиради.

— Мана, ўн икки йилдирки, Ўзбекистонда тижорат, тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаяпмиз, — дейди қўшма корхона бош директори Орфаниён Муҳаммад. — Президентингиз раҳбарлигида мамлакатингизда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганидан яхши хабардорман. Муҳими, бу ердаги хотиржам ҳаёт, қулай инвестицион муҳит бизни тўла қаноатлантиради. Энди корхонамиз хусусида тўхталадиган бўлсам, табиатнинг ўзидан олиб, унга ижодий ёндашиб, гўзаллик яратамиз. Дунёнинг бир қатор мамлакатлари, хусусан, Эрон, Тунис, Бирлашган Араб Амирликлари ва Арманистонда валкатхоналаримиз ишлаб турибди. Биргина Тунис Республикасида 107 гектар майдонда маҳсулотларимизни тайёрлаб, уларни Европа давлатларига экспорт қилаяпмиз. Ҳозирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳам узвий алоқа ўрнатганмиз. Мавриди келганда, бизга амалий ёрдам бераётган пойтахт вилояти ҳокимлигига, ўзбекистонлик таъсисчи ҳамкорларимизга ўз миннатдорчилигимни билдиришни истардим.

Корхонамизга Миллий боғдан 1,7 гектар майдон ажратиб берилган эди. Кўриб турганингиздек, 25 кун деганда, ушбу кўргазмали мўъжаз боғни яратдик. Тўғри, улар ҳали мукаммал эмас. Сабаби, 130 га яқин набобат Эрондан келтирилди. Табиийки, йўлда улар бироз уринган. Бундан буён, зарур хомашёни Сирғали туманида ажратилган 4 гектар майдонда етиштира бошлаймиз. Шунда, бир тарафдан, маҳсулот таннархи арзонлашади, иккинчи томондан, табиий иқлим шароитида етиштирилган экспонатларнинг яшовчанлиги узаяди. Амалга оширилажак лойиҳа қуввати эса, 5 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Режаларимизга келсак, биринчиси — ўз маҳсулотларимиз билан Ўзбекистонни янада кўркам қилиш, унинг танти ва меҳнаткаш халқига завқ улашиш бўлса, иккинчиси — тез орада МДҲ мамлакатлари бозорига чиқишдир,

Пировардида қардош ўзбек халқини "Tabiat goostar" Ўзбекистон — Эрон муҳандислик қўшма корхонаси номидан Истиқлолнинг 15 йиллик айёми билан самимий қутлайман. Биродар ўзбек халқининг дунёдаги мавқеи янада юксалаверсин!

"Халқ сўзи" мухбири Саидолим ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- ҚИШКИ ЁВШАН РАНГЛИ ФОРМАЛИ ПАЛЬТО;
- КУЗ-БАҲОРГИ ЁВШАН РАНГЛИ ФОРМАЛИ ПАЛЬТО;
- ҚИШКИ, ЁҚАСИ МЎЙНАЛИ КАМУФЛЯЖ РАНГЛИ КУРТКА ВА ИССИҚ ШИМ;
- ФОРМАЛИ КЎЙЛАК;
- ТЕМИР КАСКА (ШЛЕМ);
- ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ ЕНГИЛ ВА ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ВА АВТОБУСЛАРГА ҒИЛОФ ТАЙЁРЛАШ;
- «БАЛКАНКАР» РУСУМЛИ АВТОЮКЛАГИЧГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ;

ТАКЛИФЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ СЎНГГИ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 134-11-21.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Комиссия мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» КК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-13-09, 340-54-27. Факс: (+99871) 132-20-83.

e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Спорт



ИРОДА КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

«Тошкент теннис маркази» кортларида теннис бўйича Осиё чемпионати қизғин давом этаяпти.

Мусобақанинг биринчи босқич ўйинларини Ирода Тўлаганова, Албина Хабибулина (Ўзбекистон), Ксения Палкина (Қирғизистон), Мария Ковалёва (Қозоғистон), Шуай Жанг (Хитой), Чиа Жунг Чуанг (Хитой Тайпейи), Санаа Бхамбри, Анкита Бхамбри, Рушми Чакраварти (Ҳиндистон), Ка По Танг (Гонконг), Йе Ра Ли, Со Жунг Ким (Корея) каби тажрибали теннисчилар муваффақиятли ўтказишди.

Кеча иккинчи босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу босқичдан рейтинг бўйича юқори поғоналарда турувчи Юнг Жан Чан, Чин Вей Чан (Хитой Тайпейи), ўтган йили чемпионликни қўлга киритган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ва Шикха Уберой (Ҳиндистон)лар ҳам баҳсларга киришдилар.

Жароҳатдан сўнг яна теннис кортларига қайтган Ирода Тўлаганова мухлисларини хурсанд қилишда давом этмоқда. У дастлаб хитойлик теннисчи устидан осонлик билан зафар қучганди. Иккинчи босқичда яна бир вакилимиз Албина Хабибулинани (7/6, 6/0) мағлубиятга учратиб, учинчи босқич йўлланмасини қўлга киритди.

— Жорий йил бир нечта халқаро турнирларда қатнашдим, — дейди Ирода.— Шуларнинг учтасида ярим финалгача етиб бордим. Лекин бу мен учун яхши кўрсаткич эмас. Осиё чемпионатида фақат бош соврин учун баҳс юритаман.

Оқгул Омонмуродова ҳам биринчи ўйинини ғалаба билан бошлади. Вакилимиз кореялик Йе Ра Лини 6/2, 6/2 ҳисобида доғда қолдирди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда тўрт нафар теннисчимиз — Денис Истомин, Сарвар Икромов, Важа Узоқов ва Арсен Асановлар биринчи босқичдан муваффақиятли ўтишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Муваффақият такрорланадими?



Бишкекда шахмат бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди. Унда мураббий Абдураҳмон Нодиржонов бошчилигидаги етти нафар иқтидор соҳиблари ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Жумладан, ёш иштирокчилар гуруҳида Евгений Пак, Нодира Нодиржонова, Ҳулкар Тоҳиржонова ва Ирина Геворгян, катта ёшдаги қатнашчилар орасида эса Андрей Квон, Умида Чоршанбиева ва ФИДЕ устаси Юлдуз Ҳамроқуловалар дона суришаяпти.

Ҳамюртларимиз шахмат бўйича қитъада доимо совриндорлар сафида юришган. Улар бу сафар ҳам ўз олдиларига катта мақсад қўйишган. Чемпионат ўйинлари 10 сентябрь куни якунланади.

Пекин Олимпиадасини 5600 нафар журналист ёритади

2008 йил Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларини ёритадиган журналистларни аккредитация қилишга тайёргарлик ишлари бошланди. Халқаро Олимпия қўмитасининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими вакили Антони Эдгар «Синьхуа» агентлиги мухбирига берган интервьюсида спорт оламининг энг нуфузли мусобақасини ёритиш учун 5600 нафар матбуот, телевидение ва радио журналистлари жалб этилишини таъкидлаган.

Унинг айтишича, яқинда Халқаро Олимпия қўмитаси йиғилишида журналистлар учун ажратиладиган ўринлар масаласи тўлиқ кўриб чиқилган. Барча мамлакатлар Миллий Олимпия қўмиталарига улар учун ажратилган ўринлар рўйхати жўнатилган.

Пекин Олимпиадасига журналистларни аккредитация қилиш икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич 2007 йил 1 мартдан бошланади.

Қизғин беллашувлар

Жиззахда катта ёшдаги ўсмирлар ўртасида Азимжон Бадалов хотирасига бағишланган V анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда қўшни Қозоғистондан келган боксчилар 12 та вазн тоифасида ғолиблик учун беллашдилар.

Турнирда жиззахлик Хуршид Мелиев, Одил Азимов, Диёр Аҳмедов, Асил Шарипов, Дилмурод Тошпўлатов, Бобир Айтбоев, Акбар Ҳайдаровлар ўз вазн тоифалари бўйича барча тенгдошларидан устун эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, андижонлик Жасур Латипов (42 кг.), Дониёр Содиқов (52 кг.), Фарғона вилоятидан келган Шоҳжаҳон Эргашев (40 кг.), наманганлик Ботирали Йўлдошев (48 кг.), қашқадарёлик Улуғбек Холов (54 кг.)лар ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ватан ичра кичик бир ватан аталмиш маскан — маҳаллаларда истиқлол айёми шодиёналари ўзгача файз ва шукуҳ ила давом этаётир.

Ёмон кўздан асрасин

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Давлатобод" маҳалласида бўлиб ўтган байрам тадбири ана шундай кўтаринки руҳда нишонланди. Каттаю кичик, кексаю ёшнинг чеҳрасида табассум, кўзида қувонч, қалбида ифтихор акс этган. 2350 нафар аҳоли истиқомат қилаётган гузарда тўй баҳонасида тўкин дастурхон ёзилиб, 556 оила аъзоларига турли-туман ноз-неъматлар тортиқ қилинди. Бу кун, айниқса, кекса ноғиронлар ва кам таъминланган оилалар назардан четда қолмади.

— Истиқлол шодиёнаси маҳалламиз учун энг қадрли байрам ва унутилмас кун, — дейди "Давлатобод" маҳалласи раиси Адҳам Аъзамов. — Илгари аҳолининг қадоқ қўллари билан бунёд этилган бинолар ўзига насиб этмасди. Минг бор шукурки, бугун эришаётган ютуқларимиз, кўзлаган марраларимизнинг барчаси — ўзимизники. Фаровон ҳаётимиз ва мусаффо осмонимизга кўз тегмасин, илоҳим.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

Сабоқ

Ўзбек журналистикасининг отахонларидан бири, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, «Элюрт ҳурмати» ордени нишондори Зиёд Есенбоев саксон олтинчи ёшини яшамоқда. Мустақиллик руҳидан қувват олган устознинг йигитлардек бардам-бақувват юриши ҳавас қилгулик. Қуйида тақдим этилаётган қатралар Зиёд Исломовичнинг ҳаёт йўли ва тажрибасини маълум маънода акс эттирса не ажаб.

УМР БИТИКЛАРИ

Мухбир асалари бол йиққани каби қизиқ фактларни, қимматли фикрларни, таклифларни тўплаб, сўнгра уларни ишлаши керак. Ёзган хабарингиз таъсир қилсин десангиз, озгина тер тўкинг, юрагингиздан чиқариб ёзинг. Темирни қизиғида босиш, изчил ва ҳаммавақт ҳозиржавоб бўлиш керак. Ҳаётни билмоқ керак. Ижодда ёнмоқ керак.

* * *

Яхши публицистик сўзнинг, жўшқин мақоланинг қаноти ўзи билан деганларидай, ажойиб инсоннинг фазилатлари ҳам кишилар хотирасидан асло чиқмайди.

* * *

Халқаро мавзуларда бирор мақола ёзмоқчи бўлса кўп нарсани ўқиб, кейин ёзишга киришар, таҳрир қилиб чиқар, меъёрига етгунча қайта-қайта ишлар ва кўчирарди. Баъзан бизларга ҳам ўқишга берар, мақолада сиёсий бўёқларнинг тиниқ, хулосаларнинг лўнда, тилнинг ширадор ва образли, факт ва мисолларнинг ишончли ва қизиқарли бўлишини истарди.

Покизалик, камтарлик, лафзи ҳалоллик, газетачиликнинг машаққатли ишларидан сира-сира чарчамаслик, истеъдодни ўткинчи нарсаларга сарфламаслик унга хос олижаноб фазилатлардан бири эди.

* * *

Ижодкорнинг меҳнати тарозида ўлчанмайди. У одамларга нечоғли тарбиявий таъсир ўтказишига қараб баҳоланади. Журналист меҳнати ихтиёрий бўлиб, у жамият фаровонлиги, инсон бахт-саодатига бақамтилик қилади. Ўз касбини муқаддас билиб ардоқлаш ва эъзозлаш эса қаламкашга халқ орасида обрў, ҳурмат-эътибор келтиради.

* * *

Мустақиллик шабадалари, миллий истиқлол ғояси муҳим мавзулардаги мақолаларнинг кўпайишига илҳом бермоқда, қалбларимизда ва кундалик ҳаётимизда кўпдан-кўп гўзалликларни эзгуликлар; бунёдкорликларни янгиланишлардек фазилатларни вужудга келтирмоқда. Халқимизнинг эътиқоди, ахлоқу одоб қадриятлари миллий мафкурамизни шакллантирувчи, барпо этувчи қудратли асослардандир.

* * *

Умрни оқар дарё дерлар. Дарёлар тўлқинланиб оқаверади, умр ўтаверади. Алломаларимиз айтганларидек, «Ёмон ҳам, яхши ҳам бу дунёда яшаб ўтади, лекин сен қилган яхшилик, билгинки, номингни абадий боқий этади».

Бу китобни ўқинг

Соҳибқиронниング севикли келини

«Фан» нашриёти таниқли адабиётшунос олим Пирмат Шермуҳаммедовнинг «Хоразм маликаси ёхуд Амир Темурнинг келини» номли бадеа-романини китобхонларга тақдим этди.

Ушбу асарнинг диққатга сазовор жиҳати нимада? Миллатимиз тарихида мураккаб ва драматик тақдирли машҳур аёллар кўп ўтган. Севинбека — Хонзода хоним ана шундай аёллардан бири. У Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг невараси, Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфининг иниси Оқ Сўфининг қизи. Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимиз тўнғич севикли фарзанди Жаҳонгир Мирзони ана шу соҳибжамол Хоразм маликасига уйлантирган. Хонзоданинг Жаҳонгир Мирзога узатилиши Амир Темур ҳазратларининг Туронзаминда қудратли марказлашган давлатни вужудга келтиришдек олижаноб мақсадига хизмат қиладиган эзгуликлардан бири эди. Аммо тарих бешафқат , пировардида, бундай мураккаблик Хонзода хоним қисматини оғир синовларга дучор этди...

Амир Темур ҳаёти ва тарихий фаолиятига доир романларда, драматик ва шеърий асарларда Хонзода таркибий бир шахс тарзида кўринади. Пирмат Шермуҳаммедовнинг хизмати шундаки, у Хонзодани ўз асари марказига қўяди. Асар ҳам илмий, ҳам бадиий тадқиқотнинг узвий бирлиги манбаида вужудга келганлиги учун у бадеа-роман деб аталган. Китобда Хонзода хоним тақдири бор мураккаблигида намоён бўлади. Муаллиф атрофлича изланишлар олиб борган, Хонзода тақдирининг талқинидаги баъзи англашилмовчиликларга тарихан аниқлик киритган. Ўқувчи китобни ўқир экан, бу машҳур аёлнинг қисматига оид кўпгина қоронғу ва сирли жиҳатларни билишга эришади ҳамда олим-адибдан миннатдор бўлади.

Ўз мухбиримиз.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиғли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик қўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-б уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

219/5/315

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси Нур Аҳмад Ҳожибой ўғлига падари бузруквори

ҲОЖИБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонаси жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Раъно Ортиқова ва катта муҳаррир Лола Миржалоловаларга онаси

Турсуной ая ДЕҲҚОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси неонатология кафедрасининг ассистенти

Баҳодир Абдувалиевич УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t «Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456